ЎЗБЕКИСТОНДАГИ “ҚУЛОҚ” ПОСЁЛКАЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ АРАФАСИДА

М.Ғ. Абдуллаев

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистон махсус посёлкаларидаги ижтимоий ҳолат, “собиқ қулоқлар”нинг меҳнат муносабатлари ва яшаш шароитлари таҳлил қилинган.
***Калит сўзлар**: махсус посёлкалар, махсус кўчирилганлар, қулоқлар, НКВД.*

В статье рассматриваются социально-экономическое положение в спецпосёлках Узбекистана накануне второй мировой войны и образ жизни спецпоселенцев – бывших кулаков.
***Ключевые слова:**спецпосёлок, спецпоселенец, кулак, НКВД.*

The article discusses the questions concerning the social-economic situation in the special villages allotted for exiled in Uzbekistan on the eve Second World War and lifestyle and dislocation of exiled inhabitants.
***Key words:** specposelensy, special village for exiled,”kulaks”*

1936-1937 йилларда Ўзбекистон ССРда “қулоқ” оилалари сургун қилинган махсус меҳнат посёлкалари ташкилий-хўжалик жиҳатдан деярли шакллантириб бўлинган ва маълум бир тизимга солинган эди. Махсус посёлкалар бўйича умумий бошқарув ва назорат НКВД органлари томонидан олиб борилар, бу орган ва тегишли хўжалик ташкилотлари ўртасидаги шартномаларга бинoан, сургун қилинганлар меҳнатидан фойдаланиш йўлга қўйилган эди.

1937 йилда Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат посёлкаларида ўртача 3538 “қулоқ” оиласи, жами 13924 киши бўлган. Шундан 7054 нафари меҳнатга яроқлилар бўлиб, улар 134 та меҳнат бригадаларида ишлаганлар. 1937 йилда республикада жами 15 та меҳнат посёлкаси бўлиб, улардаги айрим миқдорий ўзгаришлар қуйидагича: туғилиш 582 та, ўлганлар 433 тани ташкил қилган; йил давомида 816 киши қочиб кетган, улардан 126 таси ушлаб олиб келинган, 182 таси эса ўз ихтиёри билан қайтиб келган; 46 киши эса судланган [1.42].

Булардан хулоса қилиш мумкинки, меҳнат посёлкаларида сургун қилинганларнинг турмуш шароити аввалги йилларга қараганда бирмунча ўнгланган. Бу ҳолат меҳнат посёлкаларида туғилиш даражасининг ўлимга нисбатан кўпайганида ҳам кўринади. Бундан ташқари, сургун қилинганларда сургундаги ҳаёт тарзига ҳам маълум даражада адаптация ҳосил бўлган, шу боис бу йилларда меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиш ҳоллари аввалги йилларга нисбатан анча камайган. Қолаверса, қочиб кетганларнинг ҳеч бир ҳужжатсиз бирон-бир ерда доимий яшаб қолиши қийин эди. Шу боис ҳам қочиб кетганларнинг аксарияти 2-3 ойдан кейин ўз оилалари ёнига, яъни посёлкаларга қайтиб келганлар.

Меҳнат посёлкалари дислокациясида ҳам айрим ўзгаришлар юз берди: 1937 йилнинг 4-чорагида Янгийўлдаги “Стрелково” номли меҳнат посёлкаси тугатилди ва уларнинг сони 14 та бўлиб қолди [1.39].

1938 йилда эса меҳнат посёлкаларида ўртача 3434 оила ёки 13744 киши бўлган. Улардан 4315

таси эркаклар, 3492 таси аёллар, 672 таси 14-16 ёшдаги ўсмирлар, 5265 таси 14 ёшгача бўлган болалар эди. Мавжуд 13744 кишидан 6831 нафари меҳнатга яроқлилар бўлиб, улар 119 та бригадада меҳнат қилганлар [2.82]. Йил давомида ўртача 6188 киши меҳнат билан банд бўлган. Улардан 5352 нафари (86,4 фоизи) "Узсовхозхлопок" тизимида, 836 нафари (13,6 фоизи) боғдорчилик, сабзавотчилик ва уруғчилик совхозларида меҳнат қилганлар.

Меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиш 1938 йилда 1937 йилга нисбатан бироз камайган. 1937 йилнинг иккинчи ярмида меҳнат посёлкаларидан 429 киши қочиб кетган бўлса, 1938 йил биринчи ярмида бу кўрсаткич 223 тани ташкил этган [2.90].

Сургун қилинган "қулоқ"ларга турли мажбуриятлар юклаш, қамоққа олиш ва жарималар солиш каби жазо чоралари тобора ортиб борган. Меҳнат посёлкаси комендантлари кўп ҳолларда ўзбошимчалик билан сургун қилинганларни хўрлар, калтаклар, арзимаган айблари учун асоссиз жарималар солардилар. Маҳаллий комендатуралар бошлиқларининг ҳаддан ошишлари ва ўзбошимчаликлари ЎзССР НКВД меҳнат посёлкалари бошқармаси раҳбарияти томонидан ҳам тан олинган. Чунончи, меҳнат посёлкалари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю.Колесников 1935 йил 17 ноябрдаги маълумотида кейинги пайтларда меҳнат посёлкалари комендантларининг ўз вазифасини суистеъмол қилиши, ўзларига берилган ҳуқуқлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ортиб бораётгани ва бу масала бўйича меҳнат кўчкиндиларидан кўплаб шикоятлар тушаётганини қайд қилиб ўтган. Масалан, 8-меҳнат посёлкаси коменданти Тошмуҳамедов меҳнат кўчкиндиси Старухинани 30 сутка қамаб қўйган. 2-посёлка коменданти Вербило эса "қулоқ" Фатҳулла Бақоевга картошка ўғирлади деган айблов билан 20 сўм, Собир Ҳамраевга эса 30 сўм миқдорда жарима солган. 12-меҳнат посёлкаси коменданти Фадеев сургундагиларни бир неча бор асоссиз равишда қамоққа олган ва уларнинг меҳнатидан шахсий уйи қурилишида фойдаланган. Аслида комендантлар меҳнат кўчкиндиларини фақат 5 суткагача қамоққа олиш ва фақат 5 сўмгача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга бўлганлар, холос [3.53].

Сургун қилинганлар меҳнат муносабатларида эркин фуқаролар билан тенг ҳуқуқли ҳисобланган. Чунончи, улар НКВД органлари ва хўжалик ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар асосида меҳнат қилиб, иш ҳақи олиш, эркин ишчиларга белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Лекин истисно сифатида уларнинг иш ҳақидан 5 фоизи ушлаб қолиниб, бу маблағ посёлкаларнинг маъмурий-бошқарув ҳаражатларига сарфланган.

Меҳнат кўчкиндиларининг иш ҳақлари турли посёлкаларда меҳнат унумдорлигига қараб турлича белгиланган. Чунончи, "Далварзин" совхозидаги 10-посёлкада ўртача кунлик иш ҳақи 5 сўм 94 тийин, боғдорчилик совхозида 4 сўм 83 тийин, пахтачилик илмий тадқиқот институти хўжалигида 5 сўм 45 тийин бўлган. "Боёвут" меҳнат посёлкасидаги пахтакор "қулоқ"ларнинг кундалик иш ҳақи 5 сўм 95 тийинни, сувчиларнинг кунлик иш ҳақи эса 7 сўм 50 тийинни ташкил қилган [3.91].

Пахтачилик билан машғул бўлган меҳнат кўчкиндилари учун СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан белгиланган бир кишининг кунлик нормаси қуйидагича бўлган: ғўзани чеканка қилиш – 0,20-0,30 гектар, суғориш – 0,5-0,75 гектар, пахта териш – 40-60 кг, кўсак териш – 50-80 кг, кўсак чувиш – 15-20 кг, ғўзапоя ўриш – 0,25-0,30 гектар.

Посёлкаларда стахановчилик ҳаракати, ўзаро мусобақа, зарбдорлик каби меҳнат унумдорлигини оширувчи усуллар ҳам йўлга қўйилган. Бу маълум даражада ижобий самаралар берган. Масалан, 7-меҳнат посёлкасидан ("Савай" совхози) Пирмуҳамедов кунлик нормани 215 фоиз ва ундан ошириб, Жўра Дўстов эса 185 фоизга бажарган. Умуман, "Савай" совхозида собиқ қулоқлардан ташкил қилинган 13 та пахтачилик бригадасининг барчаси 1938 йилда гектаридан 30 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олган [3.92-93].

Меҳнат посёлкаларида сургун қилинганларнинг турар жой билан таъминланиши ҳануз қониқарсиз эди. Айниқса, Бекобод районидаги "Далварзин" меҳнат посёлкасида меҳнат кўчкиндиларининг яшаш шароитлари оғир бўлган. Бу совхозда бир хонада ҳатто 12 тагача одам яшаган. Баъзи уйларда "собиқ қулоқ"ларнинг шахсий чорва ҳайвонлари ҳам жойлаштирилган. Чунки совхоз маъмурияти уй-жой қуриш, мавжудларини таъмирлаш, оғилхоналар, омборхоналар қуришга маблағ ажратмаган.

"Боёвут" совхозидаги 2-меҳнат посёлкасида ҳам аҳвол ғоятда ачинарли бўлган. Бу ерда 1932-1933 йилларда сургун қилинган қулоқлар учун уйлар қурилган эди. Шошилинч равишда, пала-партиш қурилгани боис, улар тез орада таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Бироқ 1938 йилга келиб ҳам бу уйларда ҳеч қандай таъмирлаш қилинмаган. Уй-жой танқислиги, мавжудларининг ҳам ночор аҳволдалиги қолган барча посёлкаларда ҳам кузатилган. 1938 йилда республика меҳнат посёлкаларидаги сургун қилинганлар истиқомат қилаётган давлат ихтиёридаги уйларнинг 1854

таси, хусусий уйларнинг 900 таси таъмирталаб бўлган [4.85].

Меҳнат посёлкаларидаги маданий-маърифий ишлар ва таълим жараёнини 1938 йилдаги ҳолат бўйича ёритиш мумкин. Бу йилда меҳнат посёлкаларидаги жами 13744 кишининг катта ёшдагилардан 3402 нафари саводли, 1456 нафари қуйи саводли, 1137 нафари саводсиз бўлган. Жорий йилда 853 киши саводсизликни тугатиш курсларига қатнашган. Мавжуд барча меҳнат посёлкаларига 32 та клуб, 14 та кўчма киноқурилма хизмат кўрсатган. Шунингдек, 25 та кутубхона ҳам бўлиб, уларнинг китоб фонди 7542 та бўлган. 1938 йилда бу кутубхоналар хизматидан фақат 318 киши фойдаланган, холос. Барча меҳнат посёлкалари бўйича фақат 6 нафар маданият ходими хизмат кўрсатган [5.76].

Меҳнат посёлкаларидаги таълим-тарбия ишлари ҳам қониқарсиз эди. Сургун қилинганларнинг фарзандлари ўқитиладиган мактабларда дарсликлар, миллий тилларда дарс ўтувчи ўқитувчилар етишмаган. Миллий тиллардаги адабиётлар, қўлланмалар етказиб беришга масъул бўлган Маориф халқ комиссарлиги бу масалага доимо бефарқ қараб келган. Шу сабабли ҳам баъзи ҳолларда бундай мақсадлар учун керакли жиҳозлар, китоблар комендатуралар томонидан сотиб олинган [5.97].

1938 йилнинг учинчи чорагида меҳнат посёлкаларида болаларга таълим бериш ҳолати қуйидагича бўлган:

Посёлкаларда 18 ёшгачалар 5675 нафар, улардан 1526 таси тўрт ёшгача, 836 таси 4-7 ёшгача, 1584 таси 8-11 ёшгача, 1198 таси 12-15 ёшгача, 531 таси 16-18 ёшгача бўлган. Кичик ёшдаги болаларнинг фақат 497 нафари болалар боғчасига берилган. Таълим ёшидаги болаларга 52 та бошланғич мактаб хизмат кўрсатган, уларда 2255 нафар бола ўқиган. Шунингдек, меҳнат посёлкалари болаларига 10 та тўлиқсиз ўрта ва 4 та ўрта мактаб ҳам хизмат кўрсатган. 1938 йилда тўлиқсиз ўрта мактабларда 562 киши, ўрта мактабларда 212 киши ўқиган. 30 нафар ўқувчи техникумларга юборилган. Умуман, 1938 йилда 3059 нафар бола таълимга жалб этилган [5.52-55].

Энг ачинарлиси, сургундагиларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси жуда паст бўлган. Мавжуд посёлкаларда биттадан тиббий пункт бўлиб, улар тиббий ходимлар, асбоб-анжом ва дори-дармонлар билан етарлича таъминланмаган. Тиббий хизмат кўрсатиш ўта қониқарсиз аҳволда бўлган. Меҳнат кўчкиндилари посёлкаларда кўнгилдагидек тиббий ёрдам ололмаганлари боис яқин шаҳарлардаги тиббий муассасаларга яширинча бориб ёрдам сўраганлар. Чунки меҳнат посёлкалари комендантлари сургундагиларга рухсатсиз шаҳарга бориш ва шифохоналар хизматидан фойдаланишни қатъий таъқиқлаб қўйган.

Посёлкаларда санитария-гигиеник хизматнинг йўлга қўйилмаганлиги, ҳаммом ва кирхоналарнинг қониқарсизлиги сабабли ҳам баъзи мавсумларда, айниқса, қиш ойларида юқумли эпидемик касалликлар кўпайиб кетган. Юқумли касалликлар айниқса ёш болалар орасида жуда кўп бўлган. 1938 йилнинг биринчи чорагида меҳнат посёлкаларида ич терлама, цинга, трахома, туберкулёз, тиф, ўткир ичак яллиғланиши ва бошқа юқумли касалликлар билан хасталанган 4592 киши қайд қилинган, уларнинг 96 нафари вафот этган. Йилнинг иккинчи чорагида эса бундай касалликларга чалинганлар 6425 тани ташкил этиб, 118 нафари вафот этган [5.98-99].

Меҳнат посёлкаларида болалар касалликлари, малярия, ошқозон-ичак касалликлари, асосан, туберкулёз жуда кўп учраганки, бундай касалликлар махсус даволашни тақозо қилган. Меҳнат посёлкаларидаги тиббий пунктлар эса бунга қодир бўлмаган. Шу боис бундай касалликларга чалинган меҳнат кўчкиндиларини марказий шифохона ва диспансерларга жўнатиш учун юқори органлардан рухсат олингунга қадар касаллар аҳволи жуда оғирлашиб кетган, баъзи ҳолларда ҳаётдан кўз юмган [5.100].

Тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг қониқарсизлиги кейинги йилларда ҳам ўз таъсирини кўрсатган. 1941 йилнинг 1-ярмида меҳнат посёлкаларида турли касалликлардан 162 киши ўлган. Уларнинг 113 таси 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар эди [4.71].

1938 йил 22 октябрда СССР Халқ Комиссарлари Советининг 143-280-с рақамли “Махсус кўчирилганлар ва сургун қилинганлар фарзандларига паспорт бериш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди [6.70]. Бу қарорга кўра сургун қилинган “қулоқ”ларнинг 16 ёшга тўлган фарзандлари паспорт олишлари ва ишга жойлашиш ёки ўқиш учун бошқа ҳудудларга жўнаб кетишлари мумкин эди. 1939 йилнинг 1 июлидан 1941 йил 1 январигача қадар ЎзССРдаги меҳнат посёлкаларидан 1408 нафар ёшлар юқоридаги қарор бўйича озод қилинди [4.8-9].

1939 йилнинг 3 июнида СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг “Сургун қилинган ногиронларни озод қилиш ҳақида” буйруғи чиқди. Бу буйруққа биноан, меҳнат посёлкаларидаги ишга яроқсиз қариялар, врач хулосасига кўра доимий ногиронлар (агар меҳнат посёлкасида қаровчиси бўлмаса) НКВД Меҳнат посёлкалари бошқармаси рух-

сати билан озод қилина бошлади. 1939 йилнинг ўзида “Ҳазорбоғ” меҳнат посёлкасидан 13 нафар кексалар озод қилиниб, Чиноздаги қариялар уйига юборилган. “Боёвут” меҳнат посёлкасидан эса 14 нафар кексалар Самарқанддаги қариялар уйига юборилган, 14 нафари эса қариндош-уруғлари қарамоғига берилган [7.6-8].

Сургун қилинганларнинг меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиш ҳоллари кейинги йилларда ҳам кузатилган. Умуман, 1937-1940 йилларда меҳнат посёлкалардан 1834 киши қочиб кетган бўлиб, улардан 266 таси ушлаб келинган, 351 таси ўз ихтиёри билан қайтиб келган. Ушлаб келинганларнинг 173 таси судга берилган.

Меҳнат посёлкаларидан қочиб кетишларнинг олдини олиш мақсадида 1938 йилда ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг махсус кўрсатмаси ишлаб чиқилиб, бунга биноан меҳнат посёлкаларида чекистларнинг назорат-кузатув хизмати кучайтирилган ва қўриқловчи соқчилар миқдори кўпайтирилган [8.7].

Республикадаги меҳнат посёлкаларида 1939 йил 1 январидан 1940 йил 1 февралига қадар қуйидагича миқдорий ўзгаришлар содир бўлган:

1) келиб қўшилганлар: туғилганлар – 730 киши, бошқа ўлкалардан келганлар – 5 киши, бошқа ташкилотлардан келганлар – 149 киши, қочқинликдан ушлаб келинганлар – 73 киши, қочқинликдан ихтиёрий қайтганлар – 122 киши, бошқа сабаблар билан келганлар – 891 киши. Жами келиб қўшилганлар – 1970 киши;

2) кетганлар: ўлганлар – 449 киши, қочиб кетганлар – 387 киши, судланганлар – 17 киши, ўқиш учун озод қилинган ёшлар – 184 киши, СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарори бўйича озод қилинган 16 ёшга тўлган ёшлар – 4 киши, озод қилинган қариялар – 96 киши, нотўғри сургун қилинганлар – 29 киши, бошқа ташкилотларга ўтказилганлар – 129 киши, бошқа сабаблар билан кетганлар – 301 киши. Жами кетганлар 1596 киши [8.5-6].

1940 йил 1 майдаги ҳолат бўйича Ўзбекистонда жами 13 та меҳнат посёлкалари бўлиб, уларда 3449 оила ёки 14116 киши бўлган. Улардан ўзбеклар - 1978 оилани, туркманлар - 437, осетинлар - 200, кабардинлар - 193, руслар - 140, тожиклар - 123, қорачойлар - 119, абхазлар - 33, болқорлар - 19, уйғурлар - 37, қирғизлар - 85, қозоқлар - 21, украинлар - 21, ингушлар - 19, чеченлар - 17, қумиқлар - 7, форслар - 6, араблар - 5, арманлар - 4, татарлар - 3 оилани ташкил қилган [8.29].

Меҳнат посёлкаларидаги мавжуд 14116 кишидан 7597 нафари меҳнатга яроқли кишилар бўлган. Уларнинг 3747 таси эркаклар, 2585 таси аёллар, 170 таси 14-16 ёшли ўспиринлар бўлган. Мазкур меҳнатга яроқли кишилардан 6597 таси ЎзССР Совхозлар халқ комиссарлиги ихтиёрида, 336 таси ЎзССР Боғдорчилик-узумчилик трести ихтиёрида, 163 киши Ер ишлари халқ комиссарлигининг пахтачилик илмий-тадқиқот институти ихтиёрида, 501 киши эса 12-меҳнат посёлкасидаги Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артелида меҳнат билан банд бўлган [9.13].

1940 йилда меҳнат посёлкаларида ташкил қилинган пахтачилик бригадалари пахтадан мўл ҳосил етиштирганлар. Чунончи “Савай” совхозидаги Эргашев бригадаси 39,8 гектар ерга пахта экиб, гектаридан 38,5 центнерга етказиб пахта етиштирган ва режани 128 фоизга бажарган. Бошқа бригадаларда ҳам шу каби кўрсаткичлар қайд қилинган, жумладан, Ҳасан Шардонов бригадасида мос равишда 34,27 центнер ва 124 фоиз, Усмонов бригадасида 34,27 центер ва 119 фоиз, Эрназаров бригадасида 27,5 центер ва 116 фоиз, Ҳамраев бригадасида 27,7 центер ва 145 фоиз бўлган [10.267].

Меҳнат посёлкаларидаги собиқ “қулоқлар” маълум даражада хусусий чорва ҳайвонларига эга эдилар. Масалан, “Боёвут” совхозидаги 2-посёлкада баъзи хўжаликларнинг иккитадан сигир, 10-15 тадан қўйи бор эди. Мазкур посёлка комендантига бундай хўжаликлардан белгиланган меъёрдан ортиқча чорва ҳайвонларини давлат фойдасига мусодара қилиш, хўжаликлар чорва ҳайвони миқдорини яширган ёки яширинча сотиб юборган ҳолларда уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида кўрсатма юборилган [9.1-2].

Куйбишев номли 9-меҳнат посёлкасида эса “қулоқ” хўжаликларига тегишли 43 та сигир, 34 та бузоқ, 60 та қўй, 14 қўзи, 5 та эчки бўлган. Белгиланган меъёрдан ортиқча деб топилган 5 та қўй ва 2 та эчки давлат ҳисобига ўтказилган.

1940 йилнинг 2-ярмида ЎзССР НКВД Меҳнат-тузатув лагерлари ва колониялар бошқармаси Меҳнат посёлкалари бўлими тасарруфида 2 та район ва 8 та посёлка комендатуралари бўлиб, унинг штати 36 кишидан иборат эди. 1941 йил 1 январида меҳнат посёлкаларида 3328 хўжалик (12078 киши) ҳисобда бўлган. 1940 йил 1 июлидан – 1941 йил 1 январгача меҳнат посёлкаларига келиб қўшилганлар 456 кишини, кетганлар эса 2080 кишини ташкил қилди [11.121-122].

Уруш арафасида, яъни 1941 йилнинг июнь ойигача Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида 3298 оила ёки 11843 киши бўлган. Уларнинг асосий қисмини - 1856 оилани республиканинг турли ҳудудларидан сургун қилинган ўзбеклар ташкил этган. Рўйхатга олинган 3298 хўжаликдан 2996

таси “қулоқ”лар, 129 таси бой-помешчиклар, 24 таси руҳонийлар, 103 таси савдогарлар, 31 таси дворянлар, 7 таси князлар, 8 таси чор ҳукумати хизматчилари оиласи бўлган.

1941 йил 1 январидан 1 июлигача меҳнат посёлкаларида қуйидагича ўзгаришлар содир бўлди: туғилганлар – 217 та, ўлганлар – 162 та, қочиб кетганлар – 85 та, тутиб келинганлар – 32 та, ихтиёрий қайтиб келганлар – 35 тани ташкил қилди. 256 нафар ёшлар СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1938 йил 22 октябрдаги қарори бўйича озод қилинди, 55 киши (қариялар) қариндошлари қарамоғига берилди. Хуллас, меҳнат посёлкаларига келиб қўшилганлар 337 кишини, кетганлар 604 кишини ташкил этган [4.60-63].

Умуман, уруш арафасида Ўзбекистон меҳнат посёлкаларида сургун қилинган “қулоқ” оилаларининг турмуш даражаси маълум бир изга тушиб, хўжалик ишлаб чиқариши ва маъмурий-ташкилий ишлар тартибли йўлга қўйила бошлаган. Сургун қилинганларнинг маълум бир қисми сургун жойида ҳам уй-жой қуриб, рўзғорини бутлаб олган эди. Энг муҳими, меҳнат посёлкаларидан “қулоқ”ларни озод қилиш амалиёти ҳам анча кенгайган эди. Лекин уруш бошланиши муносабати билан меҳнат посёлкаларидан ҳар қандай озод қилишлар тўхтатилди, посёлкалардаги тартиб-қоидалар, жазо чоралари кескин кучайтирилди. Меҳнат кўчкиндиларининг шундоқ ҳам оғир турмуш аҳволи янада машаққатли тус олди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд,1-рўйхат, 2-иш.
2. Россия Федерацияси Давлат архиви (РФДА), 9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш.
3. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
4. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
5. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш.
6. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 5-иш.
7. ЎзР ИИВА, 32-фонд 1-рўйхат, 3-иш.
8. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 8-иш.
9. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 10-иш.
10. РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 90-иш.
11. РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 59-иш.

Андижон давлат университети
2015 йил 9 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)